САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОЧИҚ, ОШКОРА ВА ҚОНУНИЙ ЎТИШИДА ОАВНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Жамшидбек Намозов
ЎзЖОКУ тадқиқотчиси.
https://doi.org/10.5281/zenodo.10369597

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-December 2023 yil
Ma'qullandi: 10- December 2023 yil
Nashr qilindi: 13- December 2023 yil

KEY WORDS

Сайлов, Демократия, ОАВ, Референдум, парламент

ABSTRACT

Янги Ўзбекистоннинг мустақил демократик давлат қуриш борасидаги танлаган йўли бугун кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътирофга сазовор бўлмоқда. Сабаби, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатдаги ислоҳатларни босқичма-босқич амалга ошириш учун ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқилиши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилаётганлигидир.

Ўз ўрнида ана шундай ислоҳатлардан бири Ўзбекистонда Президентлик сайлови ва профессионал парламент тизимини ташкил этиш ва уни сиёсий институт сифатида шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат эди. Бунинг учун эса мамлакатдаги мавжуд сайлов тизимига эътибор қаратиш талаб этилади. Негаки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида сайловлар фақат демократиянинг белгиси ва кўриниши бўлмасдан, шу билан бирга унинг зарурий шарти ҳамдир.

Мамлактимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, сайлов тўғри ҳамда қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган. Ушбу кафолатлар оммавий ахборот воситаларининг соҳа қонунчилигида кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари, мақсад ва вазифалари, бурч ҳамда масъулияти билан ўзаро уйғунлик касб этади.

1999 йилда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлисга, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда Конституция ҳамда сайловга доир қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган бир қанча халқаро ҳужжатлар асосий ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилганди.

Юртимизда 2002 йил 27 январь куни икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентнинг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича ўтказилган Референдум якунлари

бўйича ўтган вақт мобайнида бир қанча янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, амалдаги бир қатор қонунларга тегишли равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Мазкур ўзгаришлар 2009 йил, 2014 йил, 2015 йил, 2016 йил ва 2019 йилларда ўтказилган Президентлик ва Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайлов жараёнларида ҳам изчил давом этди. Сайловларнинг шаффоф ёритилиши бўйича ҳуқуқий механизм мунтаззам янгиланиб борилди.

Дарҳақиқат, сайлов қонунчилигининг моҳияти ҳақида гап борар экан, сайлов жараёнларининг бориши, кенг аҳоли эътиборига қандай усул ва воситалар орқали етказилиши ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бу борадаги илғор халқаро тажриба ва миллий сайлов амалиётига таянадиган бўлсак, мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганликларини ёритадилар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотни тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар” деб белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари сайловнинг очиқ ва ошкора, тўғри ва холис ҳамда қонуний ўтишига кўмаклашади, яъни ўзига хос жамоатчилик назоратини амалга оширади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида: “Сайловга тайёргарлик кўриш кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатларни кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак”.

Худди шу қоида “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ҳам белгиланган.

Оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён сайловчиларнинг муайян номзодни ёқлаб ёки қарши овоз беришига туртки бўлиши билан характерланади. Миллий қонунчилигимизда ана шу ташвиқот жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий негизни яққол намоён этадиган асосий принциплар қуйидагилардан иборат[1]:

биринчидан, сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодларга сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга уларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари учун тенг шарт шароит ва имкониятлар яратиб бериш;

иккинчидан, номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ёҳуд сайлов комиссиялар аъзолари ҳисобланувчи журналистларнинг ўз таҳририятларида

[1] М.Ҳусанова “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти”. Т.: ТДЮИ, 2004 йил, 22-бет.

сайловларни ёритиш бўйича ишларни бажаришини ёки информацион чиқишларни амалга оширишни таъқиқлаш;

учинчидан, Оммавий ахборот воситалари эркинлигининг суиистимол қилинишига ҳамда ҳақиқатга тўғри келмайдиган , номзодларнинг шаъани, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига доғ туширадиган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслик;

туртинчидан, радио ва телевидениеда ташвиқот шаклларининг кўплиги (оммавий дебатлар, давра суҳбатлари, матбуот анжуманлари, интервьюлар, турли чиқишлар сиёсий реклама ва ҳакозолар) ҳамда улардан мақбулини танлаб олишда номзодлар, сиёсий партияларблоклар ва ташаббускор гуруҳларнинг мустақиллиги.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида бундан бошқачароқ принциплар ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Мисол учун, Россия федерацияси қонунчилигига кўра, оммавий ахборот воситаларида пулли ташвиқот учун қўшимча имкониятлар яратиб бериш принципи амал қилади. Айтиш мумкинки, бугунги кунда россиялик мутахассисларнинг аксариятини сайлов кампанияси даврида эфир вақти билан олди-сотди қилиш масаласи пуллилик ва холислик ўртасида муайян муаммоларни келтириб чиқариш мумкинлигини тан олмоқда[2].

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сайловларини ёритиш жараёнидаги фаолиятини бир неча йўналишга ажратиш мумкин[3].

Биринчи йўналиш маънавий-маърифий йўналиш бўлиб, бунда сайловларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, тур ва шакллари, мамлакатимизда ўтаётган сайловларнинг ибратли жиҳатлари ҳамда бу борадаги хорижий тажриба ҳақидаги кенг кўламли ахборот ва маълумотлар бериб борилади.

Иккинчи йўналиш – тарғибот. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги имкон қадар кенг шарҳланади ва талқин қилинади, сайловчиларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари тушунтириб борилади, шунингдек, сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг сайловда иштирок этиши билан боғлиқ долзарб масалалар ҳуқуқий-сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама ёритилишига эътибор қаратилади.

Учинчи йўналиш – ахборот тарқатиш фаолиятини қамрайди. Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов билан боғлиқ семинар–тренинглар, крнференциялар ва форумлар, давра суҳбатлари ва турли хил бошқа тадбирларнинг қандай ўтаётганини изчил ёритиш асносида, аввало, сайловчиларни сайлов куни, сайлов кампаниясининг бошланганлиги сайлов участкалари ташкил этилиши ва номзодларнинг рўйхатга олиниши боғлиқ билан жараёнлар ҳақида мунтазам хабардор этиб боради.

Сайлов кампаниясини ёритиш бўйича матбуот маркази ташкил қилиниши ва унинг фаолияти, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламларининг нашрдан чиқиши, марказий сайлов комиссиясининг мажлислари ва бошқа тадбирлари, сиёсий партиялар олий органларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича ўтказаётган мажлислари, сайлов комиссияларини шакллантириш натижалари ҳақида ахборот беради, шунингдек, депутатликка номзодларнинг рўйхатлари, сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

[2] Мирзаев Ғ. Сайлов ва оммавий ахборот воситалари. // “Моҳият”.2004 йил 23 апрель
[3] Ғулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. Т.: ТДЮИ, 2004 йил. 23-бет

Тўртинчи йўналиш – ташвиқот Оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти, айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён сайловчиларнинг муйян сиёсий партия ва унинг сайловолди дастурини, муйян номзодни ёқлаб ёки қарши овоз беришига турки бўлиши билан характерланади. Бунда журналистлар, оммавий ахборот воситалари қонун, сайлов қонунчилигининг ҳар қандай партия, гуруҳ шахсий манфаатларидан устунлигини эътироф этиши, ана шу ҳуқуқий воситалар негизида юзага келадиган ҳалол сиёсий рақобат, сиёсий одоб доирасидаги адолатли баҳсларда сайлов кампанияси субъектларининг ижтимоий масъуллигига эътиборни қаратиши, уларни ёлғон шиорлардан фойдаланишга, аҳоли ўртасида сунъий равишда ишончсизлик ва қўрқув тарқатишга шарт-шароит яратиб бермасликлари даркор. У ёки бу депутатликка нномзодни қўллаб қувватлаш мақсадида фойдаланиладиган –ҳозирги замон сайлов технологияси тилида “маъмурий ресурс” деб аталувчи–сайловчилар ҳоҳиш иродасига тазйиқ ўтказиш учун хизмат лавозимига суяниш каби салбий ҳолатларни асосли далиллар мисолида фош этиши керак.

Оммавий ахборот воситалари ўзининг юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича фаолияти билан сайловларнинг очиқ, ошкора ва қонуний ўтишига кумаклашиши баробарида, бевосита, ўзига хос жамоатчилик назоратини ҳам ўрнатадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов Кодекси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019й., 03/19/544/3337-сон)
3. М.Ҳусанова “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти”. ”. Т.: ТДЮИ, 2004 йил
4. Ғулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. Т.: ТДЮИ, 2004 йил
5. https://lex.uz
6. http://elections.uz